VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

13 (445) ● 2017 йил 29 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Муносабат

## АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

*Мамлакатимизда илм-фан ривожига, ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлиши, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашини таъминлашга давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида қаралмоқда. Таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим бериш, юксак интеллектуал салоҳиятли, бой дунёқарашга эга баркамол авлодни тарбиялаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.*

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари ҳаётта изчил жорий этилиши натижасида юртимизда 1 минг 500 дан зиёд замонавий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари барпо этилди. Мамлакатимиздаги 1 минг 411 касб-ҳунар коллежида ёшларимиз бир нечта ихтисослик бўйича замонавий билим ва касб-ҳунар эгалламоқда.

Олий таълим муассасалари қошида 144 академик лицей ташкил этилган. Ёш авлодга аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар ҳамда маданият ва санъат йўналишлари бўйича, янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган хоналарда пухта билим берилаётир. Ушбу масканларни ҳар йили ўртача 35 минг йигит-қиз битириб чиқмоқда.

➜ 2

Фракция ҳаёти

## ФУҚАРОЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**амалий натижа бермоқда**

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзоларининг шу йил 1-10 февраль ва 1-10 март кунлари жойларда аҳоли билан учрашувлари якунлари бўйича парламент назорати доирасида амалга ошираётган ишлари муҳокама қилинди.*

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳамда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган ғояни ҳаётта татбиқ этиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари ҳар ой муайян муддат туманларда бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолини ўйлантираётган масала-муаммоларни ўша жойнинг ўзига чиқиб ўрганмоқда. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб амалиётта татбиқ этилган ушбу тизим жойлардаги турли катта-кичик масалалар, анчадан буён ўз ечимини кутаётган, аҳолини ўйлантираётган муаммолар билан яқиндан танишиш ва уларни ижобий ҳал қилиш имконини бермоқда. Парламент аъзолари жойларда аҳоли билан яқиндан мулоқот қилаётгани, хонадонларда бўлиб, уларнинг яшаш шароити, ўй-ташвишлари билан қизиқаётгани натижасида муаммоларнинг кўпчилиги шу ернинг ўзида ечимини топмоқда, қолганлари назоратта олинмоқда.

Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда. Фракция аъзолари фуқаролар билан юзма-юз мулоқот чоғида уларнинг муаммолари билан бирга, таклифларини ҳам ўрганмоқда. Партия электорати бўлган ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан очиқ мулоқотларда уларга ўз фаолиятини янада кенгайтириш юзасидан мавжуд имконият ва имтиёзлар ҳақида кенг тушунча ва тавсиялар берилмоқда. Таълим, тиббиёт муассасалари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг шароитларини яхшилаш борасида амалий кўмак кўрсатилаётир.

➜ 2

Янги рукн: муаммо ечим топди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтарди, давлат ва жамият тузилмалари олдига бошқарув амалиётида туб бурилиш ясаш вазифасини қўйди. Айни пайтда "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ҳаётий тамойил рўёбини кўраяпмиз.

## МУРОЖААТИМИЗ ИЖОБАТ БЎЛДИ

Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни жойида ўрганаёгани ўз ечимини кутаётган кўплаб масалаларга ечим тошишда муҳим аҳамият касб этяпти.

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзоси Алишер Қодировнинг Бахмал туманида аҳоли вакиллари билан ўтказган учрашувларида ҳудуддаги давлат бошқаруви идоралари, корхона ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти таҳлил қилиниб, тегишли мутасаддилар эътибори мавжуд муаммоларга қаратилди.

➜ 2

Бугуннинг гапи

## ОЙНАИ ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ БЎЛСИН

*Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, хусусан, миллий телевидение сўнгги йилларда ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан тубдан ўзгарди. Уларда бериладиган телемаҳсулотлар янгича шакл ва услубларда намоён бўла бошлади. Бугунги шиддатли ва тезкор замон, олиб борилаётган ислоҳотлар, кишилар онги ва шууридаги ўзгаришлар, шу жумладан, ижодий ишларга қўйилаётган талаблар ортиши телевидениенинг янада такомиллашувини тақозо этмоқда.*

Айни пайтда мамлакатимизда телеканаллар сони ва салмоғи ошди, дастурлар мундарижаси анча кенгайди. Истиқлолнинг илк йилларида атиги битта телеканал фаолият кўрсаттан бўлса, бугун уларнинг сони 70 дан зиёд. Кўрсатувлар қамрови, йўналиши, савияси ҳам сезиларли юксалмоқда: турли мавзуларда кўрсатув ва ток-шоулар, кўнгилочар дастурлар халқимиз эътиборига ҳавола этилаётир. Шу билан бирга, бу борада ҳақли саволлар ҳам пайдо бўлмоқда: **телеканалларимиз ўз олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли адо этяптими? Томошабинларнинг телеканаллар ва телекўрсатувлардан кўнгли тўляптими?**

➜ 4

Ташаббус натижа берди

*Музейлар юртимиз тарихига оид қадимги тошёзувлару битиклар, нодир қўлёзмалар, ноёб ашёлар, осори-атиқаларни сақлаб келаётган маънавият масканларидир. Мамлакатимизда музейлар фондини бойитиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.*

## МУЗЕЙГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ

**халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи Миришкор тарихий-этнографик музейи фаолиятини такомиллаштириш масаласини сессияга олиб чиқди**

Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида"ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлаш йўлида музейлар фаолиятини такомиллаштириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мавжудларини таъмирлаш каби ишларга бевосита кўмаклашиб келмоқда.

➜ 3

Ушбу сонда:

ПОЕЗД ВОДОРОДДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

7-бет

САРВИНОЗ ҚУРБОНБОЕВА — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

8-бет

Премьера

ВАТАНГА ХИЁНАТ — ЭНГ ОҒИР ГУНОҲ

8-бет

«Milliy tiklanish» газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

"MILLIY TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
13 (445) 2017 йил 29 март, чоршанба

Фракция ҳаёти

# ФУҚАРОЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

**амалий натижа бермоқда**

— Фракциямиз аъзоларининг февраль ойида жойлардаги ўрганишлари, юзма-юз мулоқотлари натижасида 106 давлат идораси, 710 тадбиркорлик субъекти, 269 маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини, 414 ижтимоий соҳа объекти, 2 минг 839 хонадон, жами 4 минг 338 объектдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат ўрганилди, — деди фракция раҳбари Сарвар Отамуратов. — Ўрганишлар, очиқ мулоқотлар мобайнида кўтарилган 56 масаладан 32 таси жойида ҳал этилган. Депутатларимиз аралашуви билан аҳоли томонидан билдирилган муаммоларнинг аксариятига тегишли мутасаддилар билан бирга ечим топилди. Қолган 24 масала юзасидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият идораларига 26 депутатлик сўрови юборилди. Айни пайтда фракциямиз аъзоларининг аксарият сўровларига жавоб олинди, ҳар бир мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат амалга оширилаётир.

Фракция йиғилишида депутатларнинг 1-10 март кунларида амалга оширилган ўрганишлар якуни таҳлил этилаётгани ва тегишли идораларга депутатлик сўровлари тайёрланаётгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда ўрганиш якунлари бўйича фракция аъзоларининг турли ташкилот ва идораларга юборган депутатлик сўровлари, уларнинг қай даражада ҳал этилаётгани бирма-бир муҳокама қилинди. Деярли барча ҳудудда аҳолидан асосан электр, газ таъминоти, ички йўллар, жамоат транспорти борасида кўплаб мурожаатлар бўлган. Улар юзасидан "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ўзавтойўл"ДАК ва бошқа тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови юборилган.

Фракция аҳоли билан мулоқот ва ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этишда "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва ваколатлардан самарали фойдаланиш лозимлиги хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Парламент назоратининг депутатлик ва парламент сўрови, парламент эшитуви каби институтларидан унумли фойдаланган ҳолда халқ манфаатларини таъминлаш, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига, электорат манфаатларига мос турли масалаларни ҳал этишда ташаббускор бўлиш зарурлиги таъкидланди. Ўрганиш якунларидан келиб чиқиб, парламент эшитувларини ташкил этиш борасида таклифлар ўртага ташланди. Хусусан, жойларда маданият уйлари ва истироҳат боғларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ахборотини эшитиш таклифи атрофлича муҳокама қилинди. Чекка ҳудудларда мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларга боғча ёшидаги болаларни кенг қамраб олиш, мазкур муассасалар учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи юзасидан ҳам парламент эшитуви ташкил қилиб, тегишли мутасаддиларнинг ахборотларини тинглаш таклифини фракция аъзолари қўллаб-қувватлади. Бу борадаги ўрганишлар натижаси чуқур таҳлил қилингач, парламент сўрови юбориш ёхуд эшитув ташкил қилишга келишиб олинди.

Йиғилиш якунида партия дастурий мақсад-вазифаларига оид таклифлар, фракция аъзолари олдида турган долзарб вазифаларни амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Муносабат

# АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Академик лицейларнинг фаолиятини улар жойлашган ҳудуднинг демографик, иқтисодий ва бошқа омилларини ҳамда битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш натижалари нуқтаи назаридан олиб борилган таҳлиллар бу соҳадаги ишларнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу эса академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифатини ошириш ва мазмунан янгилаш, уларни битириб чиқаётган ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 мартдаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган. У мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга муносиб шароитлар яратишни назарда тутиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ фаолият кўрсаткичи паст академик лицейлар касб-ҳунар коллежларига айлантирилади. Уларнинг битирувчилари олий таълим муассасаларига ўқишга кириш ҳуқуқини сақлаб қолиш билан бирга бир ёки бир нечта ихтисослик бўйича касб олиш имкониятига эга бўлади. Академик лицейларнинг битирувчиларига махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар ҳам берилади. Бу эса уларнинг келгусида бандлигини таъминлаш имкониятини яратади. Ушбу қарор асосида қабул қилинган чора-тадбирлар дастури академик лицейларда ўқув жараёни самарадорлигини янада ошириш, битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини ошишига хизмат қилади.

Қарорда академик лицейларнинг устувор вазифа ва йўналишлари аниқ белгиланган. Улар зиммасига умумтаълим мактабларининг энг истеъдодли ўқувчиларини танлаш, ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттириши учун чуқур тайёрлаш, йигит-қизларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашувига кўмаклашиш, индивидуал истеъдодларни, мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш каби устувор вазифалар юклатилган.

Таълим сифатини оширишнинг яна бир жиҳати академик лицей битирувчиларига мутахассисликлар берилиши, академик лицейларнинг ўқув режалари ва дастурлари танқидий қайта ишлаб чиқилишидир. Ўқув гуруҳлари таркиби 26 ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилиши, чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари иккита кичик гуруҳга ажратилган ҳолда ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилмоқда. Бу эса мазкур соҳаларнинг янада ривожланишига, таълим сифати ва самарадорлигининг ортишига хизмат қилади. Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан индивидуал шуғулланишлари учун кенг шароит яратади.

Қарорда олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг академик лицейларда ёшларга таълим беришларини рағбатлантиришга қаратилган чоралар белгиланган ҳам диққатга сазовор. Бундан кейин олий таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришда улар томонидан таълим самарадорлигини ошириш бўйича академик лицейлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Бу, албатта, таълим сифати ошишига ижобий таъсир этадиган муҳим омил саналади.

Мухтасар айттанда, мазкур қарор академик лицейларда таълим сифатини юқори босқичга кўтариш, соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифаларга ҳамоҳангдир. Партия ушбу дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларнинг таълим олишига алоҳида эътибор қаратиб келади. Таълим тизими муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари ваколатларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратади.

Мухтасар айттанда, Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши ёшларимизнинг таълим-тарбиясига, қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ. Ушбу эзгу мақсадлар йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қарорлар, мунтазамлик касб этган хайрли ишлар юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилади.

**Ўрол ҲАИТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Янги рукн: муаммо ечим топди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Депутат мактабимизга келиб, анчадан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган муаммони ҳал этишга яқиндан кўмаклашди. Мактаб ҳудуди ва йўлакларга асосан қумли шағал тўкилган, катта-кичик тошлар, ўнқир-чўнқир жойлар ўқувчиларнинг эмин-эркин юриши учун жуда ноқулай эди. Айниқса, қор-ёмғирли кунларда аҳвол янада қийинлашарди. Анчайин айттанда мактаб ҳудудидаги йўлаклар, ҳовли қисмини текислаш, ободонлаштириш биз учун катта муаммо бўлиб келаётган эди. Ҳудудимиздан сайланган депутатлар билан юзма-юз мулоқотдан ҳеч қанча вақт ўтмай бу муаммо ўз ечимини топди: таълим даргоҳимизнинг 410 квадрат метр ҳудудига йўлак қопламалари ётқизилди. Бунинг учун туман молия бўлими қарийб 35 миллион сўм маблағ ажратди. Айни пайтда ўқувчиларимиз, умуман, мактаб жамоаси ушбу хайрли ишдан жуда мамнун.

**Сайфулла ЖЎРАЕВ,**
**Бахмал туманидаги 40-умумтаълим мактаби директори**

## КЕЛАЖАККА ИШОНЧИМИЗ ЮКСАК

Бугун жамиятимиз ҳаётида шиддат билан юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар замирида инсон манфаатлари ва унинг қадр-қиммати тургани, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад аҳоли турмуш сифати ва даражасини оширишга қаратилгани билан янада аҳамиятлидир. Инсон манфаатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиш муҳим ҳисобланади. Халқ билан мулоқот инсон манфаатларининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари Самарқанд вилояти Пайариқ туманида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, аҳоли турмуш тарзи билан танишди. Сенатор ва депутатларнинг қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, таҳлил қилиш, аҳоли талаб ва таклифлари асосида келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган аҳоли билан мулоқотлари муаммоларга жойида ечим топиш ва ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимизнинг халқ билан мулоқот ўтказишни давлат органлари олдига энг муҳим вазифа сифатида қўяётгани кўплаб муаммоларимизни ҳал этишнинг ишончли йўли эканига учрашувда тўла амин бўлдим. Депутатларнинг уйимизга келиб, ҳаёт тарзимиз билан танишиши бизни беҳад қувонтирди. Гап шундаки, мен ва аёлим 1-гуруҳ ногирони бўлганимиз сабабли депутатлар ёхуд мутасадди раҳбарлар ҳузурига боришга имконият топа олмаймиз. Шу боис хонадонимизга келиб, муаммоларимиз билан қизиққан ЎзМТДП фпакцияси аъзоси Марҳабо Ғафуровадан фуқаролик паспортларимизни янгилаш ва ногиронлик аравачасини олишда амалий ёрдам сўрадик. Депутатнинг кўмаги билан ушбу муаммо мулоқот бўлиб ўтган куннинг ўзида ҳал бўлди. Халқ вакилларининг бу каби амалий ишлари одамларда депутатлар ва мутасадди давлат идораларига нисбатан ишонч, шунингдек, ўз келажаги, эртанги кунига катта умид ҳиссини уйғотмоқда.

**Сафарбой ҚУВОНДИҚОВ,**
**Пайариқ туманидаги "Фаровон" маҳалла фуқаролар йиғини**

# ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ БУРЧИМИЗ

***Бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, изчил чора-тадбирлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 5 январь ҳамда 7 февраль кунлари тиббиёт соҳасининг бир гуруҳ мутасаддилари билан учрашуви бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур учрашувларда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, улардаги патронаж тизимни яхшилаш, шифо масканларини малакали кадрлар билан бойитиш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва жиҳозлар билан таъминлаш каби қатор масалалар муҳокама этилиб, устувор вазифалар белгилаб олинди.***

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 16 март куни қабул қилган "Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳада бошланган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Фармонда соҳа мутахассислари зиммасига шошилинч тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, диагностика воситалари ва усуллари, бирламчи тиббий санитария ёрдамни ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенг қўллаш, шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика, даволаш усуллари ҳамда технологияларни кучайтириш ва самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш каби устувор вазифалар юклатилди. Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизмларини жорий этиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Таъкидлаш жоиз, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида айни пайтда сканер моделли ультратоваш ҳамда сунъий нафас бериш аппаратлари, замонавий рақамли рентгенодиогностик ва кўчма рентген аппарати, электр хирургик скальпел бирламчи ва замонавий тиббий жиҳозлар кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашда кенг қўлланилмоқда ва яхши самара бермоқда. Филиалдаги хирургия, гинекология, нейрохирургия, кардиология, педиатрия, терапия, неврология, реанимация каби бўлимларда беморлар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Кенг, ёруғ ва шинам хоналар, тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар бугунги кун талаблари даражасида. Ўн еттита тиббий ёрдам автомобили ҳудуддаги беморлар учун тез ва сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги тараққиёт, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, фаолиятимизга замонавий технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Мазкур масаланинг муҳимлиги ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатларининг жорий йилнинг февраль ва март ойларида вилоятнинг Чироқчи ҳамда Яккабоғ туманларида бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи билан бевосита танишуви чоғида тез тиббий ёрдам тизимида ҳам талай камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Масалан, Чироқчи туманининг узоқ қишлоқларида малакали мутахассис ва ҳамширларнинг етишмаслиги, қишлоқ врачлик пунктларидаги аҳвол бугунги кун талаби даражасида эмаслиги, тиббий хизмат ва патронаж тизимидаги бошқа камчиликлар яққол кўзга ташланди. Яккабоғ туманида ҳам бу борадаги муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш бўйича мутасадди ташкилотларга мурожаатлар йўлланди.

Фармондаги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг ҳудудий филиаллари орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан марказлаштирилган тартибда таъминлаш, жорий йилда 1200 та ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари сотиб олиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати, шу жумладан, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг автопаркини янгилаш вазифаларининг белгиланган бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фармонда аҳолига бепул, юқори малакали, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш вазифаси ҳам белгиланган. Бу эса мутасаддилардан шифохонага зудлик билан олиб келинган беморларга бепул ва сифатли хизмат кўрсатиш, дори-дармон воситаларидан тартибли фойдаланишни йўлга қўйиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

Президент фармонида шошилинч тиббий ёрдам соҳасида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу тиббиёт янгиликларини чуқур ўзлаштириш, янги тажрибаларни қўллаш ва оммалаштириш, кадрлар малакасини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиалида фаолият олиб бораётган ёш мутахассислар Франция, Туркия, Россия давлатларидаги ҳамда пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳридаги етакчи клиникалар ва илм-фан марказларида ўз малакаларини ошириб келмоқда. Бу беморларга шошилинч ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, мураккаб операция жараёнларни муваффақиятли олиб бориш ва уларда самарали иштирок этишда қўл келмоқда. Бу йўналишдаги ишларни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур фармон шошилинч ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этишда ҳуқуқий асос бўлади.

**Сайфулла МАҲМАТМЎМИНОВ,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари**

Ташаббус натижа берди

# МУЗЕЙГА ЭЪТИБОР КУЧАЯДИ

**халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи Миришкор тарихий-этнографик музейи фаолиятини такомиллаштириш масаласини сессияга олиб чиқди**

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Яқинда халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан Миришкор тарихий-этнографик музейи фаолиятини янада такомиллаштириш масаласи муҳокама этилди.

— Ушбу масалани сессияга олиб чиқишдан олдин чуқур ўргандик, партия гуруҳи йиғилишида обдон муҳокама қилдик, — дейди халқ депутатлари Миришкор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Нодирбек Носиров. — Ўрганишлар жараёнида ҳудуддаги Миришкор тарихий-этнографик музейи узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолгани, кўплаб экспонатлар шикастлангани ва емирилгани аниқланди. Партия гуруҳи музей ташкилотчиси Омон Бурҳонов 32 йил давомида тўплаган 700 га яқин тарихий осори атиқа, ноёб буюмлар, қадимий қўлёзмаларни сақлаб қолиш, музей фаолиятини такомиллаштириш, уни келажак авлодга бус-бутун ҳолича етказиш ва тарғиб этишга кўмаклашиш зарурлиги ҳақида хулосага келди.

Дарҳақиқат, Миришкор тарихий-этнографик музейи туман ёшларини маданий, тарихий ва бадиий меросимиз, умумбашарий қадриятлар, ўтмиш, илм-фан ёдгорликлари, халқимизнинг турмуш тарзи ва анъаналари, санъат асарлари билан таништиришда ягона муассаса эканлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Музейда турли даврларга оид ноёб топилма ва буюмлар тўпланган. Аждодларимиз бундан бир неча минг йиллар аввал кундалик ҳаётда ишлаттан иш қуроллари, сопол, мис буюмлар, этник кийимлар, тангалар, қадимий қўлёзмалар, қоғоз пуллар, зеб-зийнату тақинчоқлар, чолғу асбоблари шулар жумласидан. Ушбу нодир экспонатлар ёшлар дунёқарашини янада кенгайтиришга, уларнинг ўтмиш тарихимиздан бохабар бўлишига, қолаверса, партия дастурий мақсадлари ижросига хизмат қилади.

Сессияда музей фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Қизғин баҳс-мунозараларга бой ўтган йиғилишда бу борада жамоат ташкилотлари ва фуқаролар йиғинларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш, музей фаолиятини замон талаби даражасида тубдан ўзгартириш ва янги экспонатлар билан бойитиш, музейда турли танлов ва кўргазмалар ташкил этиш орқали маскан фаолиятини кенг жамоатчиликка таништириш ва зиёратчиларни янада кўпроқ жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Билдирилган фикрлар, таклиф-тавсиялар асосида сессия қарор қабул қилди. ***Қарорга мувофиқ, музей экспонатлари ва коллекцияларини янада бойитиш, асраб-авайлаш, ҳисобини юритиш ҳамда оммавийлигини ошириш учун зарур шароит яратиш юзасидан ишчи гуруҳ, музейда маданий-маърифий тарғибот, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ҳомийлик маблағларини жалб этиш каби масалаларда кўмак бериш мақсадида жамоатчилик кенгаши ташкил этилиши белгиланди. Ҳоким ўринбосарлари, туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими зиммасига музейнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уни муҳофаза қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, музейга ўқувчиларнинг мунтазам қатновини таъминлаш, ушбу масканда сайёр дарслар ташкил этиш юклатилди. Шунингдек, музей фаолиятини оммавий ахборот воситалари, туман ҳокимлиги расмий сайти орқали кенг ёритиш, аҳоли ўртасида оммалаштириш, тарғиб қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриш лозимлиги таъкидланди.***

**Омон БУРҲОНОВ,**
**музей ташкилотчиси, ЎзМТДП фаоли:**

— Қадимий цивилизация бешикларидан бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Ватанимиз ўтмишига оид тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилишда музейларнинг ўрни беқиёс. Ушбу йўналишдаги эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшиш мақсадида анча йиллар олдин туманимизда ҳам тарихий музей ташкил этиш нияти туғилган эди. Шу мақсадда 2004 йилда мазкур музейни ташкил этишга киришдик. Бироқ орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, зарур шароит, етарлича эътибор қаратилмади. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоларига бўлган мурожаатдан сўнг ушбу масала сессия муҳокамасига олиб чиқилиб, музей фаолиятини янада такомиллаштириш борасида муҳим қарор қабул қилинди. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ёшларни юртимиз тарихи, ноёб ёдгорликлар билан таништириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим омилдир. Зеро, Биринчи Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Акром ТЎЛАГАНОВ,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

Хроника

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

**ЎзМТДП тизимида чуқур ўрганилмоқда**

***2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти, аҳамияти мамлакатимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларида чуқур ўрганилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман ва шаҳар ташкилотларида ҳам мамлакатимизнинг кейинги беш йиллик тараққиётида дастуриламал ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган давра суҳбатлари ташкил этилаётир.***

**ФАРҒОНА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида янги босқични бошлаб берди. Яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатда мамлакатимиз забт этиши назарда тутилган улкан довонлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг механизмлари аниқ белгилаб берилган.

ЎзМТДП Қува туман кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — фаолиятимиз дастури" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

— Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бирга сиёсий партия ва ундан сайланган депутатлар ҳам фаоллик кўрсатиши лозим, — деди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳодир Мамажонов. — Ҳар бир партия фаоли ва депутат ўз вазифа-ваколатига янада масъулият билан ёндашиши, аҳоли билан доимий ва самарали мулоқотни йўлга қўйиши — давр талаби. Депутатлар аҳолининг кенг қатламлари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни ўйлантираётган масала-муаммоларни ўрганиши, таҳлил қилиши ҳамда шу асосда депутатлик сўровини амалга ошириши, сессиялар ва доимий комиссиялар кун тартибига ташаббус-масала олиб чиқишга эътибор қаратиши лозим.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилишда фаоллик кўрсатиш, айниқса, чекка ҳудудларда ҳам мазкур стратегиянинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган вазифаларни атрофлича тушунтириш ва партия олдида турган энг муҳим вазифалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**САМАРҚАНД**

— Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади — ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, саноат; қишлоқ хўжалиги, туристик ва меҳнат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат, — деди ЎзМТДП Ургут туман кенгаши раиси Нурмуҳаммад Ҳодиев мазкур ҳужжатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган давра суҳбатида. — Унда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бандлик, саломатликни муҳофаза қилиш, одамларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказишда таълим-тарбия тизимини янада тараққий эттириш каби устувор вазифаларни амалга ошириш белгиланган. Бундай вазифаларнинг ҳудуддаги ижросини таъминлашда партия ташкилотимиз ҳамда депутатлар янада фаол ва ташаббускор бўлиши лозим.

Таъкидланганидек, яқин беш йилга мўлжалланган мазкур тарихий аҳамиятга эга ҳужжатнинг учинчи йўналишида хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш, барча турдаги тўсиқлар ва чеклашларни бартараф этиш, ишбилармонликни ривожлантиришга тўлиқ эркинлик беришга алоҳида аҳамият қаратилгани эътиборга молик. Ҳудудларнинг шароитидан келиб чиқиб, янги саноат корхоналари ва сервис марказлари, кичик саноат зоналари ташкил этилади. Ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш, бунда банк кредитлари, хусусий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш назарда тутилган. Бугунги кунда Ургут туманида маҳаллий хомашёдан гилам ва гилам маҳсулотлари, синтетик тола, электр мосламалар, газ плиталари, бир марта ишлатиладиган пластик идишлар, полимер елим ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Ушбу ҳудудда "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилаётир. Жорий йилда 78 та янги лойиҳани амалга ошириш, бунинг натижасида 3 минг 400 янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

**БУХОРО**

ЎзМТДП Когон шаҳар кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — халқ фаровонлигининг янги босқичи" мавзусидаги давра суҳбатида Ҳаракатлар стратегиясининг бешта муҳим йўналишида белгиланган устувор вазифалар мазмун-моҳиятини ўрганиш, унинг ҳудуддаги ижросини таъминлашда партия ташкилотининг ўрни ва аҳамиятига эътибор қаратилди.

— Ҳаракатлар стратегиясида арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароити яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш режалаштирилган, — деди халқ депутатлари Когон шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Санжар Бозоров. — Бунда аҳоли, энг аввало, ёш оилалар, эскирган уйларда яшаб келаётган фуқаролар ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг яшаш шароитини имтиёзли шартларда ипотека кредитлари ажратиш ҳамда шаҳар ва қишлоқ жойларда арзон уйлар қуриш орқали янада юксалтириш назарда тутилган. Шунингдек, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш амалга оширилади. Ана шу жараёнда сиёсий партиялар фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқарадиган куч сифатида янада фаол иштирок этиши лозим.

Давра суҳбати Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли турмуш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан қатор вазифалар белгилаб олинди.

**СУРХОНДАРЁ**

Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга доир устувор вазифалар белгилаб берилган. Бунда пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш назарда тутилган.

ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши ташкил этган "Ҳаракатлар стратегияси — барқарор тараққиётимиз дастури" мавзусидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди.

— Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари ечими юзасидан аниқ вазифалар, истиқболли режалар белгилаб берилган, — деди партия туман кенгаши раиси Даврон Орипов. — Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат ишлаб чиқариш, балки қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш ва экспорт қилиш учун замонавий технологияларни жорий этишга устувор вазифа сифатида қаралгани соҳа ривожи билан бирга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳам таъминлайди. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида белгиланган устувор мақсад-вазифалар замирида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсади мужассам.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан жавоб олди.

**Усмон АБДУРАСУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Таҳлил

# АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ

**ЎзМТДП гуруҳлари томонидан қай даражада ўрганилмоқда?**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол янги авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилиш асосий вазифалардан этиб белгиланган. Шу боис партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари ўз фаолиятида ёшлар ва аёллар масаласига алоҳида эътибор қаратишга интилмоқда.***

Бу жараёнда, айниқса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар фаоллиги ва ташаббускорлиги муҳим омил бўлмоқда. Улар айни шу масалаларда жойлардаги мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юбормоқда, доимий комиссия йиғилишлари ва сессияларга таклиф, ташаббус-масалаларни олиб чиқмоқда.

2016 йилда маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари тегишли ташкилотларга хотин-қизлар ва ёшлар масаласига оид 700 дан ортиқ депутатлик сўрови юборган, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Депутатлик сўровлари асосан хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, янги спорт иншоотлари қуриш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, бу борада уларга имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашишдан иборат. Маҳаллий Кенгашлардаги Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиялар йиғилишларига айни масалага оид 120дан ортиқ таклиф олиб чиқилган. Доимий комиссиялар йиғилишларида ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш, уларни касаначилик, ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликка йўналтириш борасида депутатларимиз томонидан кўтарилган бир қатор таклифлар ўрганилди, долзарб масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хотин-қизлар ва ёшларга оид масалалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан сессиялар кун тартибига ҳам олиб чиқилмоқда. Сессияларда бу борадаги энг долзарб ва муҳим масалалар муҳокама қилиниб, уларни ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланмоқда. Масалан, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши сессиясида вилоятда болалар спортини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида, Жондор туман Кенгаши сессиясида ҳудудда болалар спорти иншоотларидан самарали фойдаланиш, уларнинг моддий-техник базасини шакллантириш, ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кучайтириш борасида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида амалга оширилган ишларни ўрганиш тўғрисидаги масала партия гуруҳларимиз ташаббуси билан муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар партия сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг кўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантириш, шунингдек, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига кўмаклашиш каби вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Депутатлар бугун ёшларимиз муаммолари билан бевосита боғлиқ масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, халқ депутатлари Учқудуқ туман Кенгаши сессиясида "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун талаб ва меъёрларининг бажарилиши, Навоий шаҳар Кенгаши сессиясида ёшлар ўртасида диний экстремизм, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида таълим муассасаларида тарғибот ишларини кучайтириш, халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши сессиясида туманда касб-ҳунар коллежи битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Бу йўналишда қабул қилинган сессия қарорларида муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, бундай ҳолатлар юзага келишининг олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Партия гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгаш сессияларига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан ҳам қатор масалалар олиб чиқилмоқда. Жумладан, халқ депутатлари Амударё туман Кенгаши сессиясига ҳудудда оила, маҳалла, таълим муассасаларида ёшлар, айниқса, қизлар тарбияси, эрта никоҳнинг олдини олиш ҳамда маънавий муҳитни соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги муҳокама қилинган. Халқ депутатлари Томди туман Кенгаши сессиясига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маракалар ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш тўғрисидаги масала олиб чиқилди. Бундан ташқари, депутатларимиз ҳудудларда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, улар ўртасида касаначилик ва оилавий ҳунармандликни ривожлантириш юзасидан бир қатор депутатлик сўровларини амалга оширмоқда.

ЎзМТДП гуруҳларининг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий Кенгашлар сессияларида қабул қилинган қарорлар, депутатлик сўрови орқали кўрилган чора-тадбирлар ҳудудлардаги масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлаётгани эътиборга молик. Бироқ таҳлилларимиз сессия қарорлари ижроси ҳамма жойда ҳам тўлиқ таъминланмаётганини кўрсатмоқда. Масалан, айрим ҳудудларда спорт мажмуалари замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан таъминланган бўлса-да, ёшларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун мунтазам равишда тарғибот ишлари олиб борилмаяпти. Баъзи ҳудудларда болалар спортини ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ўз вақтида ишлаб чиқилмаган. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолияти, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик талаб даражасида йўлга қўйилмаган. Ёшларни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан асраш юзасидан ўтказилаётган мониторинг ҳамда тарғибот тадбирлари ҳам етарли даражада эмас.

Бу каби камчиликларни депутатлик назоратига олиш ва бартараф этиш маҳаллий Кенгашлардаги вакилларимиз зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш учун фаол ва ташаббускор бўлиш талаб этилади. Зеро, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи ёшлардан иборат. Шу боис бугунги глобаллашув даврида ёшларнинг тақдири, ўй-фикрлари, қизиқишлари ва орзу-умидлари рўёби учун барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

**Аҳлиддин ЖУМАЕВ,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

MILLIY TIKLANISH
13 (445) 2017 йил 29 март, чоршанба

Бугуннинг гапи

# ОЙНАИ ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ БЎЛСИН

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Бугун телеканаллар орқали эфирга узатилаётган кўрсатувларнинг аксарияти ўз томошабинини топиб улгурган. Масалан, "Ўзбекистон" телерадиоканалининг "Биз учун муҳим", "Ўзингни англа", "Муносабат", "Ойдин ҳаёт", "Ижод маҳсули", "Ёшлар" телерадиоканалининг "Долзарб мавзу", "Маданият ва маърифат" телеканалининг "Кафтдаги чизиқлар", "Қиёфа", "Кўнгил бекатлари", "Маҳалла" талеканалининг "Эзгу сўз, эзгу амал" каби ток-шоу ва кўрсатувлари юртдошларимизга манзур бўлаётгани бор гап. Айниқса, "Биз учун муҳим", "Меҳр қолур", "Долзарб мавзу" каби ток-шоулар мавзунинг аниқлиги, долзарблиги, далилларга бойлиги ва журналист маҳорати билан бирга аудиториядаги турли-туман фикрлар билан бойитилган ҳолда тайёрланаётгани кўпчиликка маъқул келмоқда. Буни телетомошабинларнинг ўзаро суҳбатлари, ижтимоий тармоқлардаги фикр-мулоҳазалардан ҳам билса бўлади.

Айни пайтда бугунги давр ва томошабин талабларига жавоб бермайдиган, мазмун ва савия жиҳатдан бўш кўрсатувлар ҳам борки, бу кўп сонли томошабинларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Айниқса, сўнгги йилларда иш бошлаган хусусий телерадиостанциялар — "Менинг юртим" ("Му5"), "Zo'r TV" "Milliy TV" каби телеканалларда миллий қадриятларимизга соя ташлаётган, маънавиятимизга мос келмайдиган кўрсатув ва ток-шоулар ҳам эфир юзини кўраётгани аччиқ ҳақиқат.

— Юртимизда нодавлат телерадиоканалларининг кўпаётгани яхши, бу билан рақобат, фикрлар баҳси кучаяди, яхши кўрсатувлар сони ошади, савияси юксалади, — дейди тележурналист, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Баҳодир Шаропов. — Шу боис айрим хусусий телеканалларимиз ўз йўли ва томошабинини топиб бораётир. Улар ўз дастурларида кўпроқ ноодатийликка интилмоқда ва ўз аудиториясига эга бўлмоқда. Бироқ айрим нодавлат телеканалларда фаолият кўрсатаётган журналистларнинг аксарияти ёшлар бўлгани боис ҳам кўрсатувларда қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Бу, айниқса, бошловчиларнинг сўз қўллаши ва кийинишида намоён бўлаётир.

Таассуфки, миллий ва нодавлат телеканалларида фаолият юритаётган айрим бошловчилар ишида профессионаллик етишмаслиги, нутқ маданияти, кийиниш одобида белгиланган меъёрларга риоя этмаслик, соҳа этикасидан бехабарлик кўзга ташланади. Бу эса тафаккури, маънавияти шаклланиб келаётган ёшлар тарбиясига, хулқ-атворига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Мадомики шундай экан, давлат ёки нодавлат телеканал бўладими, меъёр ва талаб ягона: **миллийлик, маънавият, маърифат, қадрият, тафаккур ва интеллект мезонлари устувор бўлиши керак.** Айнан мана шу эзгу ва боқий тушунчалар барча тележурналистлар фаолиятининг асосига айланиши лозим.

Маълумотларга кўра, бугун экран қаршисида энг кўп вақтини ўтказадиганлар — уй бекалари ва ёшлар. Дейлик, инсон кунига ўртача 3 соат телевизор томоша қилса, бу бир йилда 1100 соатта айланади. Демак, инсон то 70 ёшга тўлгунича узлуксиз 7-10 йиллик умри телевизор қаршисида ўтаркан. ***Савол туғилади: бу инсонлар шунча вақти эвазига телеканаллардан фойдали нимадир оладими? Улар кўраётган кўрсатувлар инсон маънавиятини юксалтириш, эзгу фазилатларни шакллантириш, руҳиятини тарбиялашга хизмат қилмоқдами? Ёки умуман олганда, миллий телеканаллар мундарижасидан кўнгли тўлмагани боис улар шу вақтини кабель телевидениеси қаршисида ўтказмаяпти, деб ким айта олади?..***

Бугун, айниқса, айрим телеканаллардаги болалар учун мўлжалланган кўрсатувлар ижтимоий тармоқларда, Интернет нашрларида кенг муҳокама этилмоқда. Хусусан, журналист Хуршид Далиев айни шу мавзуда "Оқ кўйлакка лой чаплаётганлар" сарлавҳали мақоласини эълон қилди. "Талабалик давримизда домлаларимиз "эфир, бу — мисоли оқ нейлон кўйлак: унга тушган биттагина доғ ҳам эфирни йўққа чиқаради", дея таъкидлашарди, — деб ёзади журналист. — Бу сўзларнинг маъносини яқинда "Менинг юртим" телеканали орқали намойиш этилган кўрсатувни кўриб, чуқур англадим. Телеканалда "Бола тилидан" кўрсатуви эфирга узатилади. Бошловчиси — хонанда Рухшона. Кўрсатувда 4-5 ёшли болаларга саволлар берилиб улардан жавоб олинади. Саволлар турли хил. Аммо баъзилари... Масалан, боғча боласига қарата "Бахт нима?", "Кўз остингизга олиб қўйганингиз борми?", "Нега эркакларда соқол бор, аёлларда йўқ?", "Уйлангандан кейин чақалоқни ким олиб келади?" каби саволлар беришдан мақсад нима? Телевидение орқали эфирга узатилган маҳсулот кенг аудитория, айниқса, ёш авлодга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Маънавий жиҳатдан савиясиз бу каби кўрсатувлар, "оммавий маданият" омилларини тарғиб қилиш, миллат фарзандларининг онгини ёт иллатлар билан кўр-кўрона тўйинтиришга куч бериш миллатнинг оппоқ кўйлакдек маънавиятига доғ тушириш билан баробардир. Ёки "Миллий ТВ" телеканали орқали эфирга узатилаётган айрим кўрсатувлар асрлар давомида шаклланган, бебаҳо қадриятларимиз ва анъаналаримиздан узоқлашишга хизмат қиляпти, десак, хато бўлмайди. Масалан, яқинда эфирга узатилган теледастурларнинг бирида Миршакар исмли бошловчи аёлларнинг лаб бўёғини суриб, буни ҳазилга йўйди. Ахир ўзбек йигитларининг эркаклик ғурури ва орияти қаерда қолди?"...

Яна бир жиҳат: ***бугун телеканалларимизда томошабин интиқиб кутадиган кўрсатув ва теледастурлар етарли эмаслиги бот-бот тилга олинмоқда. Муаллифлик кўрсатувларининг аксарияти бадиий жиҳатдан талаб даражасида эмас. Айрим кўрсатув ва ток-шоулар хориж телеканалларидан кўр-кўрона кўчириб олиняпти.*** Масалан, "Миллий ТВ"нинг "МТВ-шоу" дастури Россия жамоат телевидениеси(ОРТ)нинг "Вечерный Ургант" кўрсатуви билан икки томчи сувдек ўхшаш. Ёки ушбу телеканалда ўз номига номуносиб равишда эфир вақтини тўлдириш учун хориж фильмларини намойиш этиш одат тусига айланмоқда. Тўғри, миллий фильмлар ҳам узатилади. Аммо бу ҳар томонлама саёз, енгил-елпи, мазмунан ғариб кино маҳсулотлари қаҳрамонларининг мулоқот ва ҳатти-ҳаракатларида бачканалик шунчалик кўп учрайдики, уни кўргандан кўрмаган маъқулроқ, деган хулосага келасан, киши. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

— Аксарият телеканалларни кузатиб туриб, савияси анча паст сериал ва кўрсатувлар кўпайиб бораётганини кўриш мумкин, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти директори ўринбосари, санъатшунослик фанлари доктори Олтиной Тожибоева. — Биз шу соҳада ишлаган пайтларимиз телеканаллар сони кўп бўлмаса-да, салмоғи баланд эди. Чунки ҳар бир кўрсатув мавзусидан келиб чиқиб, мутахассис ва олимлар билан ҳамкорликда тайёрланарди. Ҳозир ҳам мана шу анъанани давом эттириш керак. Чунки мавзуни ёки соҳани теран билмаган одамни томошабинлар олдига олиб чиқиш, ундан бу ҳақда фикр сўраш ҳам кўрсатув савиясини туширади, ҳам халқимизга нисбатан ҳурматсизлик ҳисобланади. Кўрсатувлар тайёрлашда хорижий телеканаллардан шакл олиниши мумкин, лекин уни ғояси билан бутунлай кўчириб олинса, кўрсатув билан бирга ўша халқнинг маданияти, дунёқараши ҳам кириб келади. Масалан, рус ҳамкасбларимизнинг машҳур "Поле чудес" ("Мўъжизалар майдони") кўрсатувини олайлик. Аслида бу каби кўрсатувни деярли кўпгина давлатлар телеканалларида учратиш мумкин. Бироқ ушбу кўрсатув ижодкорларининг саъй-ҳаракати билан у гўёки Россия жамоат телевидениясида пайдо бўлган ва шакллангандек таассурот қолдиради. Миллий телеканалларимиз ҳам ўз кўрсатувларига мана шундай миллий қиёфа бахш эта олса, қанийди. Бунинг учун тележурналистда наинки юксак профессионализм, балки миллий ғурур ва маънавий қувват ҳам кучли бўлиши керак...

Сўнгги пайтларда айрим кўрсатувларга хонандалар бошловчилик қилиши кўпайди. Бу эса, аввало, санъат олами вакиллари зиммасига катта масъулият юклайди. Телемутахассисларнинг айримлари бу телеканал нуфузини ошириш, машҳурликка эришиш воситаси эканини айтади. Бўлса бордир, бироқ шу пайттача шундай кўрсатувларнинг бирортаси тележурналистларга ибрат, ўрнак ва намуна бўларли даражада эътироф этилганини билмаймиз. Бадиий жиҳатдан саёзлик, жамоатчиликка тақдим этилаётган маъносиз ва ғализ жумлалар борасида эса мисоллар етарли.

— Хонанда ё актёрлар нима учун телеканалларда бошловчи бўлишга қизиқади? Чунки улар шу йўл билан ўзининг асосан тўй-тадбирлардаги рейтингини оширишни ўйлайди, — дейди журналист Олим Жумабоев. —Телеканаллар масъуллари ўзбек халқи фақат "артист"лардан иборат эмаслигини тушуниш вақти етди, назаримизда. Санъат ва миллий маънавият ривожига салбий таъсир кўрсатадиган бу каби ҳолатлар асосан бошловчилардаги фикрсизлик ва профессионал маҳоратнинг етишмаслиги туфайли пайдо бўлаётгани ҳақиқат. Қолаверса, халқимиз бир пайтлар санъаткор деганда Ҳалима Носирова, Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуров, Ботир Зокиров каби ўлмас санъаткорларни назарда тутган. Бугун уларнинг анъаналарини давом эттирадиганлар йўқми? Бор! "Ёшлар" телеканалида намойиш этиладиган "Олтин микрофон" лойиҳаси шундай ёшлар борлигини кўрсатиб турибди. Ёки айтайлик, кўпчилик томошабинлар "Миллий ТВ" телеканали ташкил этилганда **у халқимизнинг миллийлиги, ўзига хос маданиятини тарғиб этишига умид билдирган эди.** Албатта, телеканалда ўзига хос қизиқарли дастурлар, миллий тароналаримиз ҳам эфирга узатиб турилади. Ранг-баранг кўрсатувлар тайёрлаш ва лойиҳаларни жорий этишга интилиш бўлса-да, бироқ камчиликлар етарли. Масалан, яқин-яқингача "Топ-10" лойиҳаси бошловчиси бўлиб келган хонанда Райҳон ўзбекча сўзларни бузиб талаффуз қилиши, ўзи гапираётган сўзларнинг маъносини ҳис этмаётгани кўриниб турар эди. Хонанда оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларининг бирида бу кўрсатув орқали ўзбек тилини ўрганаётганини таъкидлабди. Аммо телевидение тил ўрганиш учун тажриба майдони эмас-ку. У ибрат мактаби, тарбия ўчоғи, маънавият ва зиё тарқатувчи восита бўлмоғи зарур эмасми?

Миллий медиа соҳа, айниқса, электрон оммавий ахборот воситаларини изчил равнақ топтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгу шуурини миллий манфаатларимиз, менталитетимизга зид ғоялар таъсиридан ишончли тарзда ҳимоялаш масаласи устувор аҳамият касб этар экан, халқимизнинг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш, бир сўз билан айтганда, томошабинга мазмунан сифатли маҳсулот тақдим этиш учун барча ижодий саъй-ҳаракатларни бирлаштириш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

— Телевидение — санъат тури, демак, эфир юзини кўраётган ҳар бир телемаҳсулот санъат талабларига жавоб бериши лозим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг "Рақамли оммавий ахборот воситалари" кафедраси доценти Ойбек Вейсал ўғли. — Кўрсатув ғояси кучли бўлиши мумкин, бироқ юқори савияда ифода этилмаса, у барибир томошабин кўнглидан жой ололмайди.

Бугун айрим телеканал ва кўрсатувлардаги муаммо ҳамда камчиликлар кадрлар масаласи билан ҳам бевосита боғлиқ. Бўлажак тележурналистларни амалиётта кўпроқ жалб этиш лозим. **Телеканаллардаги энг катта камчилик — кўрсатувда сценарийнинг йўқлиги ёки унинг бадиий жиҳатдан саёзлиги.** Бугун дунё телевидениесида ўрнатилган қоида бор: сценарий йўқ бўлса, кўрсатув ҳам бўлмайди. Журналист сценарийдан сал четта чиқдими, кўрсатув мазмун-моҳиятига, кўзланган мақсад-муддаога путур етади. Бугун, айниқса, хусусий телеканалларда бунга етарлича аҳамият қаратилмаяпти. Экранга чиқиб, ҳеч қандай тайёргарлик ва сценарийсиз гапираман, деб ўйлаган телебошловчи адашади. Телеижодкорларимиз ана шу жиҳатта эътибор қаратса, кўрсатув сценарийларини пухта-пишиқ қилиб тайёрласа, унга амал қилса, маҳсулот ҳам шунга яраша сифатли чиқади.

Телевидениенинг ёшлар маънавияти ва камолотига бўлган таъсири ҳақида сўз борар экан, яна бир муҳим жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслик зарур: юртимизда рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш давлат дастурини амалга ошириш мақсадида "UZDIGITAL TV" компанияси ташкил этилган ва у айни пайтда мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатаётган етакчи операторлардан бири саналади. Мазкур компания замонавий рақамли телевидение фойдаланувчиларига телекўрсатувларни сифатли ва қулай шаклда томоша қилишда муҳим ўрин тутмоқда. Юртимиз аҳолиси кабелли телевидение воситасида кўплаб мамлакатларнинг телеканалларини томоша қилиш имконига эга. Тўғри, бугун Интернет ё телевидение орқали дунёни кўраётган томошабиннинг ҳайратини қозониш тобора қийин бўлиб бораётир. Бироқ турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган, ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида турли сохта маълумотларни тарқатиш оддий ҳолга айланган бугунги глобаллашув даврида хориждан узатилаётган ҳар қандай фильм ёки кўрсатувни тўғридан-тўғри намойиш этиш қанчалик ўзини оқлайди? Ҳолбуки, ҳозирги кунда кўзга кўринмасдан, зимдан инсоннинг ақл-заковати, шаъни, ору номуси, ғururини ўчириб, уни аста-секин хонавайрон этадиган бало-қазолар кўпайиб бормоқда. Улардан сақланиш албатта осон эмас. Уларнинг олди олинмаса, ҳали етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлмаган айрим ғўр ёшлар бундай хатарлар тузоғига илиниб қолиши ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, "оммавий маданият"-нинг энг кучли, таъсирли оқими телеканаллар орқали хориждан, асосан, Ғарб давлатларидан кириб келмоқда. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирсак. Ўтган йилнинг декабрь ойида Россиянинг "Кинохит" телеканалида бугунги куннинг энг оғриқли мавзуси — бир жинсли никоҳ очиқдан-очиқ тарғиб қилинган "Wild" ("Ёввойи") фильми намойиш этилди. Инсон қалби учун азалий кураш кескинлашган ҳозирги вақтда кино санъатининг миллий асосларга таянмаган бундай "намуналари" ёшларнинг хулқ-атворига, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бугун истиқлол туфайли қадр топган эзгу фазилатларимиз ва миллий шаънимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш асосий вазифамиз экан, бу борадаги ишларни тартибга солиш, айниқса, ёшларни миллий маънавиятимизга зид бўлган телемаҳсулотлардан асраш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳолбуки, айрим хориж телеканалларида эса бу каби беҳаё фильмлар деярли ҳар куни эфирга узатилмоқда.

— Фарзанд тарбиясида уни қуршаб турган ахборот оламини кузатиш, назорат қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, жуда муҳим вазифа саналади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. —Болаларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайдиган, уларни ахборот алмашишда ҳимоя қилиш имконини берадиган ахборот маконини яратиш давр талабидир. Бу борада жаҳон микёсида муайян тажриба шаклланган. Масалан, АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Буюк Британия, Франция, Польша, Италия каби давлатларда болалар ва ёшлар учун зарарли бўлган ахборотлар оқими қонуний жиҳатдан тартибга солинади: болалар ва ёшларнинг соғлиғи, ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотларни тарқатишни тақиқлаш, чеклаш, экспертиза ўтказиш ва таснифлаш, кўрсатувлар намойишида "болалар учун" ва "катталар учун" "муваққат чегара"лар жорий этилган. Болаларни зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш бўйича махсус назорат органлари ташкил этилган, вояга етмаганлар орасида ахборотларни ноқонуний тарғиб қилиш билан боғлиқ қатъий жавобгарлик чоралари киритилган. Халқаро тажриба таҳлили бизда ҳам бу борадаги муносабатларни тартибга солиш зарурлигини тақозо этмоқда. **Бунинг учун амалдаги қонунчиликка болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вояга етмаганлар ўртасида тарқатилиши кўзда тутилган ахборот маҳсулотларини ёшга доир таснифлашни жорий этиш, болаларнинг ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи омилларни аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокида махсус экспертлар кенгашини ташкил қилиш, вояга етмаганларнинг шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилиш юзасидан аниқ чораларини кўриш, Маъмурий ва Жиноят кодексларида болаларнинг маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатишига қаратилган, шу билан бирга мазкур қилмишларни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш фактлари аниқланган ҳаракатларга нисбатан жавобгарлик масалаларини кучайтириш зарурати** пайдо бўлмоқда.

Мамлакатимиз эришаётган, дунётан олаётган улкан ютуқлар халқимизнинг юксак маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Бугун жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий оламини юксалтириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилаётган бир пайтда юртимиздаги айрим телеканаллар билиб-билмай "оммавий маданият" тарғиботчиларининг тегирмонига сув қуяётгани киши кўнглини хижил қилади. "Агар бу телеканал ва унинг дастурлари ёқмаса, бу ҳақда жар солиш шарт эмас, шунчаки уни томоша қилманг", қабилида фикр билдирадиган инсонлар ҳам топилади. Бироқ экран қаршисида ҳали ўз мустақил фикри, дунёқараши, ҳаётий тамойиллари шаклланиб улгурмаган ёшлар ҳам бор экан бу борада чуқур мушоҳада қилиш, ёшларимизнинг эртанги куни, тақдирига бефарқ бўлмасликка чорлайди. Бу борада барчамиз, айниқса, ота-оналар ҳушёр ва сергак бўлиши, фарзандларимиз телевидение орқали қандай маълумотлар олаётганига алоҳида эътибор билан ёндашиши талаб этилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш, шу мақсадга қаратилган телевизион кўрсатув ва радиоэшиттиришларни уюштириш, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш масаласи устувор йўналишлардан этиб белгиланган. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки ёш авлод тарбиясида нисбатан кенг аудиторияга эга бўлган телевидение орқали намойиш этилаётган кўрсатувлар мазмун-мундарижаси қанчалик муҳим экани ойдек равшан. Бу жараёнда телебошловчиларнинг профессионал малака ва маҳоратини юксалтириш, уларнинг касб этикасига доир билимини янада мустаҳкамлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, бу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни бугунги мураккаб замоннинг ўзи тақозо этаётир. ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари айни пайтда ушбу масалани чуқур ўрганиб, сессияларга ташаббус-масала сифатида олиб чиқишга тайёргарлик кўрмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз, ёшлар онгу шуурига таъсир этувчи энг кучли қурол мафкуравий ҳужумдир. Шундай экан, ёшлар тарбияси, маданий-маънавий ҳаётимиз учун барчамиз масъулмиз, десак янглишмаган бўламиз. Агар юксак савияли баркамол инсонни тарбияламоқчи бўлсак, келгуси авлод олдида, унинг дунёқараши, савияси учун телевидение ҳам ўта масъул ва жавобгар эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз, бу борада ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, қатъият билан илгарилаб боришимиз керак.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# БУХОРО ВИЛОЯТИ "АГРОКИМЁҲИМОЯ" АЖ

*жамоаси*

Сиз, азиз ва муҳтарам юртдошларимизни
улуғ айём — шарқона янги йил

# Навруз

билан қизғин қутлайди.

**Наврўз она заминимизга қут-барака, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!**

# "ҚОРАҚАЛПОҚ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ"

акциядорлик жамияти жамоаси

**Меҳнатсевар халқимиз ва юртимиз меҳмонларини янгиланиш ва яшариш айёми —**

# Наврўзи олам

*билан муборакбод этади.*

**Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик тарк этмасин.**

**Байрамингиз муборак бўлсин!**

# "БЕШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ"

акциядорлик жамияти жамоаси

*Барча юртдошларимизни, фидойи деҳқон ва фермерларимизни*

# Навруз

*байрами билан чин дилдан муборакбод этади.*

**ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!**

MILLIY TIKLANISH
13 (445) 2017 йил 29 март, чоршанба

# "ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ"

**халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган қурилиш-фойдаланиш корхонаси жамоаси**

*барча ўзбекистонликларни ва юртимиз меҳмонларини*

# НАВРЎЗ

*байрами билан қизғин табриклайди.*

*Буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг истиқболи порлоқ бўлсин!*

Хизматлар лицензияланган

## "ТУЯМЎЙИН-УРГАНЧ" МИНТАҚАЛАРАРО СУВ ҚУВУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

*азиз ва муҳтарам юртдошларимизни*

# Наврўзи олам

*билан муборакбод этади.*

*Янги кун ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахту саодат, қут-барака олиб келсин!*

Хизматлар лицензияланган

## Бухоро вилояти "СУВОҚАВА" корхонаси жамоаси

*халқимизни жаннатмонанд ўлкамизга ўз таровати, хушбўй ифорлари билан кириб келган боқий байрам —*

# НАВРЎЗ

*билан чин дилдан табриклайди.*

**НАВРЎЗИ ОЛАМ БАРЧАМИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган

Банк хизмати

# ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитни яратиш, тадбиркорлик ҳаракатининг умумиқтисод равнақига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатига айланди.

Мазкур фармон, энг аввало, хусусий мулкни ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга йўналтирилган давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувларни тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликни давлат органлари фаолиятининг энг муҳим устувор йўналиш ва биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш, хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, корхоналарнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш ва тадбиркорликка кенг жалб этишга кўмаклашишда молия муассасалари фаолияти муҳим ўрин тутади. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши молия муассасалари зиммасига янада катта масъулият юкламоқда.

"Асака" акциядорлик тижорат банкининг Қорақалпоғистон филиали ана шу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириб, аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиёти каби бир қатор хизматларни бажармоқда. Аҳоли ва юридик шахслардан жалб этилган маблағлар иқтисодиётнинг реал секторига самарали йўналтирилиб, ушбу маблағлар омонатчилар, мижозлар ва акциядорлар манфаатига мос равишда кўпайтириб борилмоқда. "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили мазкур молия муассасаси фаолиятининг асосий дастуриламалига айланган, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига банк филиали кредит қўйилмалари ҳажми қарийб 160,0 миллиард сўмни ташкил этгани ва уларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан иборат экани бунинг яққол тасдиғидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда янги мулкдорлар сафи жадал кенгайиб, кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлар фаолияти тобора ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Айниқса, оилавий бизнес, ҳунармандчилик ва касаначиликни йўлга қўяётган тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунда уларнинг бошланғич сармояни шакллантиришда банклар томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим ўрин тутаётир. Жумладан, банк филиали томонидан 2016 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 78,3 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 декабрда бўлиб ўтган мажлисидаги кўрсатмасига асосан республикамизда узумчиликни ривожлантириш, мавжуд узумзорларнинг унумдорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. "Асака"банк ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида ҳам фаол ишлар олиб бормоқда. Жумладан, банк филиали узумчиликка ихтисослашган агрофирма ҳамда фермер хўжаликлари учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитлар таклиф этмоқда. Айни пайтда мазкур йўналиш бўйича Эллиққалъа, Конликўл, Қўнғирот, Тахтакўпир ва Амударё туманларидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилаётир. Келажакда унинг географиясини янада кенгайтириш режалаштирилган.

2016 йил мобайнида узумчиликни ривожлантириш мақсадида кичик бизнес субъектларига 2,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Тадбиркорлар узоқ муддатга берилган маблағлардан хўжалик учун замонавий техника ва технологиялар сотиб олиш, совутиш камералари қуриш мақсадида фойдаланмоқда.

**"Adambay Salovat"** фермер хўжалиги ҳам ана шундай корхоналар сирасига киради.

— Хўжалигимизда жами 16,5 гектар боғзор мавжуд бўлиб, шундан 3 гектари узумзор, — дейди "Adambay Salovat" фермер хўжалиги раҳбари Адамбай Атабаев. — Ўтган йили ўз фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиалидан имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит олдик. Уни асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун 300 тонналик музлатгич барпо этиш ҳамда қишлоқ хўжалик техникаларини сотиб олишга сарфладик. Бунинг натижасида қўшимча 15 янги иш ўрни яратилди.

Конликўл туманидаги **"Oltinkul Azamatlari"** масъулияти чекланган жамиятига аҳоли ва фермер хўжаликларига мевали кўчатлар етказиб бериш учун айланма маблағларини тўлдириш мақсадида имтиёзли шартларда кредит маблағлари ажратилди. Ҳозирда ушбу корхона етказиб берган мевали кўчатлар 250 гектар майдонга экилиб, 3-4 йилдан кейин халқимиз, қолаверса қўшни давлатлардаги истеъмолчилар дастурхонини сифатли мевалар билан тўлдиришга замин яратади. Қолаверса, корхонада қўшимча 5 янги иш ўрни яратилиб, қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

— Корхонамиз ташкил этилганидан буён "Асака" банк билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Амударё туманидаги **"Наврўз"** масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жангил Дусанова. — Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида банкнинг Қорақалпоғистон филиалидан узоқ муддатли кредит олдик. Бу эса янги токзорлар барпо этиш ҳамда корхонамизга керак бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси ва автотранспорт воситаларини олиш имкониятини берди. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 5 нафар қишлоқдошимиз иш билан таъминланди. Шунча оиланинг даромади янада кўпайиши, турмуш фаровонлиги ошишига ўз ҳиссамизни қўшганимиздан хурсандмиз.

Банк филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ва 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларига асосан 8,6 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бу сармоялар рақобатбардош озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари ташкил этилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшовчиларнинг бандлиги таъминланди.

"Асака" банк сармоялари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Банк филиали ушбу мақсадларга 17,2 миллиард сўмга яқин миқдорда кредитлар ажратди. Жумладан, Нукус шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган **"Sultanbek Nukus"** масъулияти чекланган жамиятига банк филиали томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида узоқ муддатли кредит маблағлари берилди. Банк кредити ҳисобига Нукус шаҳри марказида икки қаватли савдо мажмуаси барпо этилиб, ишга туширилди, 15 янги иш ўрни яратилди.

Банк жамоасининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларга ўз фаолиятини бошлашлари учун кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам ибратлидир. Банк томонидан Нукус шаҳридаги касб-ҳунар коллежи битирувчиси ёш тадбиркор Саломат Мангитбоев раҳбарлик қилаётган **"Mangitbaeva Gulnaz"** масъулияти чекланган жамиятига айланма маблағларини тўлдиришга кредит маблағлари ажратилди. Ушбу имтиёзли кредит ҳисобига ёш тадбиркор ўз фаолиятини янада кенгайтириш, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга ошириш ниятида. Бунинг натижасида қўшимча 3 янги иш ўрни яратилади.

"Асака" банк Қорақалпоғистон филиали тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Бунда Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлмоқда. Банк филиали тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги хотин-қизларга 4,3 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди.

— 2013 йилдан бери "Асака" банкнинг мижозиман, — дейди **тадбиркор Пердегул Даулетмуратова.** — Унинг молиявий ёрдамида ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Бошлаган ишим самара бериб, оиламга, рўзғоримга барака кирди. Булар ҳаммаси "Асака" банкнинг кўмаги билан амалга ошаяпти.

Бугунги кунда юртимиз банклари зиммасидаги энг долзарб ва масъулиятли вазифа — **"Аҳолини тадбиркор қилиш"** шиори остида "Асака" банк Қорақалпоғистон филиали томонидан ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 мартдаги "Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламларига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим омил бўлаётир. Мазкур қарорда янги рўйхатдан ўтган, юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркор ва оилавий тадбиркорлик субъектларига олган товарини гаров сифатида қўйиб энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача, ўз фаолиятларини амалга оширишлари учун энг кам иш ҳақининг 60 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратиш, кредитлашга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафиллигини ҳам ҳисобга олиш белгиланган. Шунингдек, узоқ ва бориш қийин бўлган, меҳнат ресурслари зич жойлашган ҳудудларда янги рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда оилавий тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда кредитлар ажратилиши кўрсатилган.

"Асака" банк Қорақалпоғистон филиали жамоаси тадбиркорларга янада кенг имкониятлар яратишга интилмоқда. Бунда мутахассислар томонидан тадбиркорликка доир қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва янгиликлар, имтиёз ва қулайликлар тўғрисида атрофлича маълумот ҳамда фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва кредит маблағларини олишда зарур ҳужжатларни тайёрлашда кўмак берилмоқда. Масалан, банк филиалининг малакали мутахассислари Нукус шаҳридаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 9 минг 587 хонадонга кириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш борасида тушунтириш ва тавсиялар берди, 10минг 145 хонадонга тадбиркорликка даъват этилиб мурожаатлар юборилди. Бу тадбирлар натижасида 1минг 110 фуқаро ўз оилавий бизнесини йўлга қўйиш истагини билдирди. 671 нафар фуқарога 8,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди, шунча оиланинг тадбиркорлик туфайли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга замин яратилди.

Бир сўз билан айттанда, "Асака" банк Қорақалпоғистон филиали мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда эл-юрт фаровонлигига қаратилган истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ишларни изчил давом эттирмоқда.

**Банк ахборот хизмати**

*Хизматлар лицензияланган*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Турфа олам

## ПОЕЗД ВОДОРОДДА ҲАРАКАТЛАНАДИ

Франциянинг "Alstom" компанияси водород ёқилғиси ёрдамида ҳаракатланадиган "Coradia iLint" номли илк поездни синовдан ўтказди.

Синов Қуйи Саксония (Германия) машқ майдонида бўлиб ўтди. Поезд тезликни соатига 80 километргача ошира олди. Компания яқин ойларда синовларни Чехияда ҳам давом эттириш ниятида.

"Coradia iLint"да йўловчиларни мунтазам ташиш кейинги йилданоқ йўлга қўйилиши мумкин. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, синов

тўрт ҳафта давом этади. Бу вақт ичида поезднинг энергия тежовчи ҳамда тормоз тизимларининг барқарор ишлаши текширилади.

"Alstom" компанияси вакилларининг маълум қилишларича, поезд деярли шовқинсиз ҳаракатланади, экологияга зарар етказмайди. Компания ҳозирданоқ Германиянинг бир қатор ҳудудларига мазкур поезддан 60 та етказиб бериш борасида келишувга эришди.

## СПОРТ ЯХТАСИ

АҚШнинг "Palmer Johnson" кемасозлик заводи "Bugatti" автомобилсозлик компанияси билан ҳамкорликда "Niniette 66" номли спорт яхтасини ишлаб чиқарди.

20 метрли яхта "Chiron" гиперкари услубида ясалган, соатига 80 километр тезликда ҳаракатлана олади.

Унинг лойиҳасини амалга оширишга 2015 йилда киришилган эди. Қайиқ 8 цилиндрли MAN двигатели билан жиҳозланган. Яхтани безашда карбон, чарм, алюминий, ёғоч ва мармардан фойдаланилган. Унда бар, меҳмонлар учун ётоқхона мавжуд.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

Миллий ғурур

# САРВИНОЗ ҚУРБОНБОЕВА — ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕР

***Навқирон авлоднинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида юртимизда шахмат ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбек шахмат мактаби вакиллари шахмат олимпиадаси, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқда.***

Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ яқинда ўзбекистонлик бир қатор спортчиларга янги унвон тақдим этилганини эълон қилди. Улар орасида ёш шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева ҳам бор. У халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлган юртимизнинг учинчи аёл шахматчиси.

...Сарвиноз шахматга болалигидан меҳр қўйди. Отаси Каримберди Жумуқов мактабда рус тилидан дарс берса-да шахматга қизиқиши баланд эди. Шунданми беш фарзандига "ақл гимнастикаси"ни эринмай ўргатди.

— Шахмат болада, аввало, мантиқан фикрлаш кўникмасини шакллантиради, — дейди шахмат бўйича спорт усталигига номзод Каримберди Жумуқов. — Бундан ташқари инсоннинг фикрлаш қобилиятини ўстиради, мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишга ўргатади. Шунинг учун ҳам қизимга мазкур спорт турини имкон қадар ўргатишга ҳаракат қилдим. У нафақат менинг, балки барча юртдошларимизнинг ишончини оқлади.

Сарвиноз ўз устида тинмай ишлади, шахмат сирларини қунт билан ўрганди, билим ва маҳоратини оширди. Бир неча бор Ўзбекистон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Спортда боланинг иқтидорини кичик ёшдан пайқаш ва уни мунтазам ривожлантириб бориш, амалий ва назарий машғулотлар орқали мусобақаларга тайёрлаш муҳим. Сарвиноз ҳам шахмат билан беш ёшидан шуғуллана бошлади, дебют юришлари ва кўплаб ҳимоя усулларини пухта ўзлаштирди. Мураббий Маматқул Ҳайлаев раҳбарлигида маҳоратини оширди.

Ёш шахматчи 2008 йили Эронда 14 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медаль билан тақдирланди. 2009 йилги Осиё чемпионатининг 16 ёшгача қизлар баҳсида бронза медални қўлга киритди. 2011 йили Малайзияда ўтказилган халқаро турнирда биринчи ўринни эгаллади. Сурхондарёда ўтказилган "Баркамол авлод – 2011" спорт мусобақасида шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Мамлакатимиз терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Сарвиноз 2012 йили Тошкентда 20 ёшгача қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медал билан тақдирланди. Кўплаб йирик халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллади. 2014 йили халқаро спорт устаси меъёрини бажарди.

Дарвоқе, С.Қурбонбоева спортда ва ўқиш соҳасида эришган катта муваффақиятлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти ҳамда "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ёш спортчи учун бу йил ҳам омадли бошланди. Халқаро шахмат федерацияси ўзбек қизига халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

— Бу унвонни мамлакатимизда ёшларни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдод ва қобилият эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг халқаро спорт ҳамжамияти томонидан кенг эътирофи, деб биламан, — дейди Сарвиноз Қурбонбоева. —Биз, ўзбек ёшлари ҳар қандай соҳада энг юқори чўққиларни забт этишга қодирмиз. Бунинг учун имконият ва шароит етарли. Халқаро гроссмейстер унвони мени келгусида нуфузли мусобақаларда янада юқори натижаларга эришишга илҳомлантиради.

Сарвиноз айни дамда Гулистон давлат университетининг филология факультетида инглиз тили йўналиши бўйича тўртинчи босқичда таҳсил олмоқда. Юртимизда ёш авлодни,. айниқса, қизларни баркамол этиб тарбиялаш, ноёб истеъдод ва қобилият эгаларини муносиб рағбатлантириш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрлик юксак самараларини бермоқда. Йигит-қизларимизни улкан марралар сари чорлаб, мамлакатимиз шону шавкатини дунёга тараннум этишдек улуғ мақсадлар сари етаклаётир. Буни Сарвиноз каби ёшлар ўқишда ва спортда эришаётган юқори натижалар яққол тасдиқлайди.

— Сарвинозга бундай унвонни беришда унинг халқаро мусобақаларда қўлга киритган ютуқлари эътиборга олинган, — дейди шахмат бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мураббийи Маматқул Хайлаев. —Ўйлайманки, у ўзининг зафарли одимларини давом эттиради, бундан кейин ҳам юртимиз довруғини дунёга ёйишга муносиб ҳисса қўшади.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

РЕКЛАМА

# "ҒАРБГАЗТАЪМИНОТ"
# унитар корхонаси жамоаси

***Барча юртдошларимизни боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи***

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

***билан самимий қутлайди.***

***Янги кун шодиёналари барчага бахт ва омад, хонадонимизга файзу барака келтирсин.***




Ҳизматлар лицензияланган.

Премьера

# ВАТАНГА ХИЁНАТ — ЭНГ ОҒИР ГУНОҲ

Каттақўрғон шаҳар драма театрида ёш драматург Сардор Ҳамроевнинг "Оқпадар" драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

...Ярим тунгача чироқ ўчмаган хонада талаба Асрор компьютер экранидан кўз узмай нималарнидир тинимсиз излаш, ҳижжалаб ўқиш ва хаёл суриш билан машғул. Бу ишга шу қадар берилиб кеттанидан, ётоқхонасига хабар олиш учун кирган дўсти Баҳодирни ҳам сезмай қолади.

Дўстининг ярим тунда дарс ўрганиш ўрнига Интернет тармоғида шубҳали кимсалар билан "сирлашаёттанидан" воқиф бўлган Баҳодир Асрорга қаттиқ танбеҳ беради. Интернетнинг нариги томонидагилар билан хуфёна режаларини гаплашиб улгурган Асрор "Оллоҳ йўлидаги биродарларим ҳақида бундай номақбул гапларни айтишга нечук ҳаддинг сиғди?" дея важоҳат билан дўстининг ёқасига чанг солади. Жаҳолат, разолат, хиёнат кўзларини кўр, қулоқларини кар қилган Асрорнинг қўли қонга ботади: Ватандан олисда уюшган гуруҳга қўшилиб, бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлади. Албатта, якунда сотқин қилмишига яраша жазосини олади. Аммо қадди букилган, эл орасида обрўи тўкилган, юзи шувут ота-онанинг аҳволи юракларга ўқдек санчилади...

— Мазкур драма асримизнинг энг оғриқли муаммоларидан бири терроризм ва унинг даҳшатли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади, — дейди театр бош режиссёри Ҳабибулло Абдуллаев. — Унда ёшларни турли ҳийлалар билан ўз домига илинтираётган жиноий гуруҳлар қилмиши фош этилади. Бу жараёнда пьеса қаҳрамонлари бўлган ёш замондошларимиз оғир синовларга, ҳатто оғир йўқотишларга дуч келади. Ҳаётий образлар, бугунги давр воқелиги акс этган драма томошабинларни, бутун халқимизни огоҳликка, ҳушёрликка чорлайди. Зеро, терроризмга қарши курашиш барчанинг вазифасидир.

Спектаклдаги асосий ролларни театрнинг тажрибали ва ёш актёрлари Т.Халилов, У.Тиллаев, Ж.Аҳматов, Қ.Расулов, Р.Ниёзов, Ў.Очилов, Н.Салимов ижро этмоқда.

**Дилфуза ТОШТЕМИРОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши партия Улуғнор туман кенгаши раиси Жанатхон Исмоновага онаси
**Саодат аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Бузук Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 316, Адади — 10700. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Тўмарис БУТУНБОЕВА
**Саҳифаловчи:** Илҳом ЖУМАНОВ
**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.59.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345